ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.09.21-2022 «ЁНҒИН-ҚУТҚАРУВ ДЕПОЛАРИ ВА ПОСТЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 19 июлда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 97-сон]

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига асосан буюраман:

1. ШНҚ 2.09.21-2022 «Ёнғин-қутқарув деполари ва постлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. ШНҚ 2.09.21-2013 «Ёнғин-қутқарув деполари ва постлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 июнь,
111-сон
Келишилди:

Фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари А. КУЛДАШЕВ

2022 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси қурилиш
вазирининг 2022 йил 16 июндаги
111-сон буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.09.21-2022 «Ёнғин-қутқарув деполари ва постлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда-ШНҚ) ёнғин-қутқарув деполари ва постлари учун ер майдонларининг ажратилишига (жойлашишига), ҳудудига, бинолар таркибига, хоналарнинг майдонига ва уларнинг ҳажмий-режавий ечимларига, муҳандислик тармоқларига ҳамда бутланишига бўлган талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚ янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган ёнғин-қутқарув деполари ҳамда постларини лойиҳалашга ва қуришга татбиқ этилади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу ШНҚ да қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

Нафас олиш органларини ҳимоя қилиш аппаратлари (кейинги ўринларда-НООҲА) — нафас олиш органларини, юз соҳасини ва кўзларни ёнғиннинг хавфли омилларидан ҳимоя қилишга мўлжалланган шахсий ҳимоя воситаси;

баланд бинолар — баландлиги 50 m дан юқори бўлган бинолар;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги гарнизони — муайян ҳудудда жойлашган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот ва техник-таълим муассасалари, шунингдек идоравий ёнғин-қутқарув тузилмалари (бошқармалари, бўлинмалари);

умумий ётоқхона — ўқувчилар, талабалар, ишчилар ва хизматчиларни вақтинчалик яшаши учун ихтисослаштирилган ётоқхоналар (ётоқхоналарда турар-жой хоналари ва маиший-хизмат кўрсатиш хоналари кўзда тутилиши ҳамда кичик оилалар учун хонадон туридаги ётоқхоналар ташкил қилиниши мумкин);

асосий ёнғин-қутқарув автомобили — ёнғин содир бўлган жойга ёки ёнғин ўчоғига шахсий таркибни, ёнғин ўчириш ускуналарини ва ўт ўчириш воситаларини етказиб беришга хизмат қилувчи автомобиль;

ёнғин ўчириш гидранти — ёнғин ўчириш учун сув қувурлари тармоғидан сув олишга мўлжалланган қурилма;

ёнғин-қутқарув депоси ва пости — ёнғин-қутқарув бўлинмаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун ёнғин-қутқарув техникаларини сақлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, шахсий таркибнинг жойлашуви учун хизмат хоналари, фавқулодда вазиятлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш хонаси, техник ва ёрдамчи хоналардан ташкил топган объект;

ёнғин-қутқарув техникаси — ёнғиннинг олдини олиш, тарқалишини чеклаш, ўчириш, одамлар ва моддий бойликларни ёнғиндан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар;

бинонинг оловбардошлик даражаси — қурилиш конструкцияларининг оловбардошлик ва ёнғиндан хавфлилик кўрсаткичлари билан белгиланадиган объектнинг таснифий хусусиятлари;

ўқув минораси — махсус жиҳозланган майдончага ўрнатилган ҳамда машғулот ва мусобақалар ўтказишга мўлжалланган алоҳида турувчи баланд иншоот.

2. Ёнғин-қутқарув деполари ҳамда постларининг лойиҳа ҳужжатлари амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мос бўлиши керак.

3. Аҳоли пунктларида жойлаштириладиган ёнғин-қутқарув деполари ва постларининг тури, асосий ёнғин-қутқарув автомобилларининг сони ШНҚ 2.07.01 ва ушбу ШНҚ талаблари асосида белгиланади.

Изоҳ: аҳоли пунктларида:
аҳолиси сони 1 000 нафаргача бўлганда, II турдаги ёнғин-қутқарув пости;

аҳолиси сони 500 нафаргача бўлганда, III турдаги ёнғин-қутқарув пости жойлаштиришга рухсат этилади.

Корхоналарда ёнғин-қутқарув деполари ва постларини жойлаштириш ШНҚ 2.09.17 ва ШНҚ 2.09.01 ҳамда идоравий қурилиш нормалари талаблари асосида амалга оширилади.

Ёнғин-қутқарув деполари ва постлари, келажакда аҳоли пунктлари ҳудудларини ўзгариши ва демографик ўсиш прогнозини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади.

4. Аҳоли пунктларидаги ёнғин-қутқарув деполари жамланишига қараб (навбатчиликдаги асосий ёнғин-қутқарув автомобилларининг зарурий сони, хоналар таркиби ва уларнинг майдони) қуйидаги турларга бўлинади:

I тур — 6 ва ундан ортиқ асосий ёнғин-қутқарув автомобилларига мўлжалланган ёнғин-қутқарув деполари;

II тур — 2 тадан 6 тагача асосий ёнғин-қутқарув автомобилларига мўлжалланган ёнғин-қутқарув деполари;

V тур — 2 ва 4 та асосий ёнғин-қутқарув автомобилларига мўлжалланган.

Аҳоли пунктларини ҳимоя қилиш бўйича постларнинг тури мазкур ШНҚ нинг 11-бобида келтирилган.

5. Корхоналарни ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин-қутқарув деполари қуйидаги турларга бўлинади:

III тур — 6 ва ундан ортиқ асосий ёнғин-қутқарув автомобилларига мўлжалланган ёнғин-қутқарув деполари;

IV тур — 2 тадан 6 тагача асосий ёнғин-қутқарув автомобилларига мўлжалланган ёнғин-қутқарув деполари.

Корхоналарнинг ёнғин-қутқарув постлари турлари мазкур ШНҚ нинг 11-бобида келтирилган.

6. Корхоналардаги ёнғин-қутқарув деполари ва постларининг тури ҳамда улардаги асосий, махсус ҳамда ёрдамчи ёнғин-қутқарув автомобилларининг сони лойиҳа топшириғига асосан белгиланади.

7. Ёнғин-қутқарув деполари ва постларида асосий ёнғин-қутқарув автомобилларининг 100 фоизли захираси назарда тутилади.

8. Махсус ёнғин-қутқарув автомобилларининг зарурий сони қуйидаги 1-жадвалга мувофиқ қабул қилинади:

1-жадвал

Махсус ёнгин-қутқарув автомобиллари номи	Шаҳарда (аҳоли пунктида)ги аҳоли сони, минг киши						
	50 гача	50 — 100	100 — 350	350 — 700	700 — 1250	1250 — 2000	2000 дан кўп
Автонарвон ва автокўтаргичлар	1*	2	3	4 — 6	7-8	8 — 11	**
Газ-тутундан ҳимоялаш хизматининг автомобиллари	-	-	-	1	2	3	4
Алоқа ва ёритиш автомобиллари	-	-	-	-	1	2	3

* 4 ва ундан кўп қаватли бинолар мавжуд бўлганида;

** маъмурий туманлар сонига қараб битта туманга битта автонарвон ёки автокўтаргич ҳисобидан келиб чиқиб аниқланади.

Изоҳ:

1. Жадвалда келтирилмаган аниқ мақсадлар учун белгиланган махсус ёнғин-қутқарув автомобилларининг сони ҳимояланаётган ҳудуддаги объектларни инобатга олган ҳолда аниқланади;

2. Гарнизондаги мавжуд махсус ёнғин-қутқарув автомобилларининг 50 фоизли захираси назарда тутилиши лозим;

3. Республика аҳамиятига эга шаҳарлар, минтақавий ва йирик саноат марказларининг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда-ФВВ) гарнизонларида газ ва тутундан ҳимоя қилиш хизмати, алоқа ва ёритиш автомобиллари бўлиши лозим;

4. Ҳимояланаётган ҳудудда баланд бинолар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг баландлигидан келиб чиқиб ёнғин-қутқарув автонарвони ва/ёки автокўтаргичлари назарда тутилиши лозим.

9. ФВВ нинг ҳудудий гарнизонларидаги асосий, махсус ва ёрдамчи ёнғин-қутқарув автомобиллари ҳамда алоқа воситаларининг сонидан келиб чиқиб техник хизмат кўрсатиш бўлинмалари қуйидагича ташкил этилади:

10 дан 50 гача — ёнғин-қутқарув автомобилларига техник хизмат кўрсатиш бўйича алоҳида постлар;

50 дан 200 гача — ёнғин-қутқарув автомобилларига техник хизмат кўрсатиш қисмлари;

навбатчиликда 4 ва ундан ортиқ махсус ёнғин-қутқарув автомобиллари бўлганида — махсус ёнғин-қутқарув автомобилларига техник хизмат кўрсатиш қисмлари;

15 ва ундан ортиқ ёнғин-қутқарув қисмлари бўлганида — хўжалик транспорт техникаларига техник хизмат кўрсатиш қисмлари;

алоқа воситаларининг сони 2000 ва ундан ортиқ бўлганида — алоқа воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш қисмлари;

махсус ёнғин-қутқарув автомобилларининг сони 200 ва ундан ортиқ, шунингдек гарнизонда 3 та турли техник хизмат кўрсатиш қисмлари бўлганида — техник хизмат кўрсатиш отрядлари;

махсус ёнғин-қутқарув автомобилларининг сони 100 ва ундан ортиқ бўлганида — техник хизмат кўрсатиш отрядлари (қисмлари) қошида диагностика станцияси.

10. Мазкур ШНҚнинг 9-бандида келтирилган техник хизмат кўрсатиш бўлинмалари учун ёнғин-қутқарув деполари биноларининг лойиҳа ҳужжатлари лойиҳа топшириғига асосан ишлаб чиқилади.

2-боб. Ёнғин-қутқарув деполарининг ер участкалари ва жойлашувига бўлган талаблар

11. Ёнғин-қутқарув деполари магистраль кўчаларга ёки умумшаҳар аҳамиятига эга йўлларга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти бўлган мустақил ҳамда имкон қадар бурчакдаги ер участкаларида жойлаштирилиши керак.

12. Ёнғин-қутқарув депосининг участка чегарасидан жамоат ва турар жой биноларигача бўлган оралиқ масофа 15 m дан, мактабгача, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ер участкалари чегараларигача эса 30 m дан кам бўлмаслиги зарур.

Ёнғин-қутқарув депосидан ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган объектларгача бўлган оралиқ масофа амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда идоравий қурилиш нормалари талабларига мувофиқ қабул қилинади.

13. Ёнғин-қутқарув депоси ёнғин-қутқарув автомобилларини чиқиш жойидан қизил чизиққача камида 15 m оралиқ масофа қолдириб жойлаштирилиши керак, шунингдек II, IV, V турдаги ёнғин-қутқарув деполари учун кўрсатилган оралиқ масофа 10 m гача қисқартирилиши мумкин. Ёнғин-қутқарув автомобилларининг чиқиш жойидан қизил чизиқ томонга 2°дан 6°гача нишаблик бўлиши керак.

14. Ёнғин-қутқарув деполарининг ер майдонлари уларнинг турига боғлиқ равишда қуйидаги 2-жадвал бўйича қабул қилинади, шунингдек асосланган ҳолларда ер майдонлари кенгайтирилишига йўл қўйилади.

2-жадвал

Ёнғин ўчириш депоси тури ва депода навбатчиликда бўлган асосий ёнгин ўчириш автомобиллари сони	I				II			III				IV			V	
	12	10	8	6	6	4	2	12	10	8	6	6	4	2	4	2
Ёнғин ўчириш депосининг ер майдони, га	2,2	2,0	1,8	1,6	1,6	1,4	1,2	2,0	1,8	1,6	1,4	1,4	1,2	1,0	1,0	0,8

15. Ёнғин-қутқарув депосининг ҳудуди ишлаб чиқариш, ўқув-спорт ва турар жой зоналарига бўлинади.

16. Ишлаб чиқариш ҳудудида ёнғин-қутқарув депоси, захира техникалар учун ёпиқ гараж-сақлаш жойи, омбор бинолари ва тозалаш иншоотлари жойлаштирилади.

17. Ёнғин-қутқарув депосининг ўқув-спорт зонасида ўқув минораси, юз метрли тўсиқли йўлак, ер ости резервуари, сув ҳовузи, ёнғин ўчириш гидранти ва автомобиллар туриш жойи ҳамда мазкур ШНҚ нинг 3-жадвалида кўрсатилган спорт иншоотлари жойлаштирилади.

18. Турар жой зонасида турар жой бинолари (ходим ва хизматчилар учун хонадонлар ёки умумий ётоқхона), дам олиш майдончалари ва болалар ўйингоҳи жойлаштирилади.

Турар жой биносини ёнғин-қутқарув депосига ёндош қилиб қурилишига бинолар оралиғида ёнғинга қарши деворни ўрнатиш шарти билан рухсат этилади, бунда турар жой биносига кириш йўли изоляция қилинган бўлиши ва ёнғин ўчириш техникаси жойлашган бино ва иншоотлардан 15 m дан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши керак.

Турар жой биносини лойиҳалашда ШНҚ 2.08.01 талабларига амал қилинади.

19. Ёнғин-қутқарув депоси ҳудудидаги бино ва иншоотлар оралиғидаги масофалар амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим.

20. Ёнғин-қутқарув депоси ҳудудидаги кўкаламзорлаштирилган ер участкасининг майдони ҳудуд умумий майдонининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

21. Ёнғин-қутқарув депосининг ҳудуди иккита кириш (чиқиш) йўлига эга бўлиши лозим. Кириш (чиқиш) дарвозаларининг эни 4,5 m дан кам бўлмаслиги, баландлиги эса лойиҳа топшириғига биноан ва ёнғин-қутқарув автомобиллари баландлигини ҳисобга олган ҳолда бўлиши керак. Дарвозаларнинг очилиб-ёпилишини ҳам автоматик тарзда, ҳам қўлда бажариш кўзда тутилиши лозим. Кириш дарвозалари олдида таранга қарши қурилма ўрнатишини назарда тутиш керак.

Асосланган ҳолларда, IV ва V турдаги ёнғин-қутқарув деполари учун битта кириш (чиқиш) дарвозаси ўрнатилиши мумкин.

22. Ёнғин-қутқарув депосининг ҳудуди депо ҳудудига рухсатсиз кириш ҳолатларини истисно қилувчи махсус қурилма, баландлиги 2,5 m дан кам бўлмаган ёпиқ девор билан ўралган бўлиши керак.

23. Ёнғин-қутқарув депоси ҳудуди тунда ёритилиши лозим.

24. Ёнғин-қутқарув депоси ҳудудидаги йўл ва майдончалар қаттиқ қопламали бўлиши керак.

25. Ёнғин-қутқарув депосининг чиқиш майдони қаршисидаги кўча ва пиёдалар йўли ёнғин-қутқарув автомобиллари хавф-хатар сигнали билан депо ҳудудидан чиқаётган вақтида транспорт ва пиёдалар ҳаракатини тўхтатиш учун светофор билан жиҳозланиши лозим. Светофорни ёқиш ва ўчириш ёнғин-қутқарув депосининг алоқа хонасидаги бошқарув пульти орқали амалга оширилиши керак.

3-боб. Ёнғин-қутқарув депоси бино ва иншоотларининг майдонлари ва таркибига бўлган талаблар

26. Ёнғин-қутқарув депоси ҳудудидаги бино ва иншоотларнинг майдони ва таркиби мазкур ШНҚ нинг 3-жадвалига мувофиқ қабул қилинади.

27. I ва III турдаги ёнғин-қутқарув деполари ҳудудида лойиҳа топшириғига асосан мазкур ШНҚ нинг 4-жадвалига мувофиқ объектлар жойлаштирилади.

3-жадвал

Т.р.	Иншоотларнинг номланиши	Майдон, m^2 Ёнғин-қутқарув депосининг тури															
		I				II			III				IV			V	
		Депода навбатчиликдаги асосий ёнғин-қутқарув автомобилларининг сони, дона															
		12	10	8	6	6	4	2	12	10	8	6	6	4	2	4	2
1.	**Кўчадан алоҳида кириш йўлига эга фуқароларни қабул қилиш хонаси билан назорат-ўтказиш пункти**	36	36	36	34	34	32	32	-	-	-	-	-	-	-	32	32
2.	**Яшаш хоналари билан (яшаш хоналарисиз) ёнғин ўчириш депоси**	Мазкур ШНҚ нинг 5-жадвали 7-банди бўйича қабул қилинади															
3.	**Турар жой биноси (хизмат квартиралари ёки умумий ётоқхона) хоналарининг сони:**	Хоналарнинг майдони ва баландлиги ШНК 2.08.01 талабларига мувофиқ белгиланади															
а)	бир хонали	4	4	4	4	3	3	2	1	-	-	-	-	-	-	1	1
б)	икки хонали	5	5	3	3	3	2	1	-	-	-	-	-	-	-	1	1
в)	уч хонали	1	1	1	1	1	1										
г)	шахсий таркиб учун умумий ётоқхона	60	50	40	30	20											
4.	**Ўқув-машғулот мажмуаси:**																
а)	спорт зали ёрдамчи хоналари билан	580	580	320	320												
б)	100 метрлик тўсиқлар йўлаги учун майдон	550	550	550	550	550	550	550	550	550	550	550	550	550	550	550	550
в)	50 m^3 сиғимли ер ости сув резевуари ва автомобиллар турар майдони билан ёнғин ўчириш гидранти	210	210	210	210	210	150	75	210	210	210	210	210	150	75	150	75
г)	ўқув минораси (10 х 50), ёнғин ўчириш енгларини қуритиш қурилмаси билан	540	540	540	540	540	250	250	540	540	540	540	540	250	250	250	250
д)	баскетбол ёки мини футбол учун майдонча	612	612														
е)	волейбол майдончаси	-	-	360	360	360	360	-	360	360	360	360	360	360	-	360	-
ж)	навбатчи смена учун дам олиш майдончаси	60	55	50	45	45	40	20	60	55	50	45	45	40	20	40	20
5.	**Захирадаги автомобиллар учун ёпиқ гараж**	бир автомобиль учун 50 m^2 ҳисобидан															
6.	**Омборлар:**																
а)	ёнғинга қарши ускуналар ва хўжалик анжомлари сақланадиган	60	60	60	50	50	40	20	60	60	60	50	50	40	20	40	20

б)	ёнғин ўчириш воситалари (кукун, кўпик ҳосил қилувчи модда ва ҳ.к.) сақланадиган	240	200	200	160	120	80	40	240	200	200	160	120	80	40	80	40
7.	**Автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияси ёқилғи-мойлаш омбори билан**	майдони амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ҳамда лойиҳа топшириғига асосан аниқланади															
8.	**Автомобилларни ювиш учун эстакада ва тозалаш иншоотлари**	майдони амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ва лойиҳа топшириғига асосан аниқланади															
9.	**Маъмурий бино:**																
а)	бўлим (бўлинма) бошлиғининг хонаси	18	18	18	18	18	18	18	-	-	-	-	-	-	-	18	18
б)	отряд командирининг хонаси	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	-	-
в)	отряд командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарининг (ёрдамчиси) хонаси	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	-	-
г)	архив	20	20	20	20	18	18	18	16	16	16	16	14	14	14	14	14
д)	котибият(қабулхона)	12	12	12	12	10	10	10	12	12	12	12	10	10	10	10	10
е)	кутубхона	20	20	20	20	18	18	18	16	16	16	16	14	14	14	14	14
ж)	профилактика катта инспекторининг хонаси	12	12	12	12	10	10	10	12	12	12	12	10	10	10	10	10
з)	профилактика инспекторлари (инструкторлари) хонаси	инспекторлар таркибининг 100 фоизидан келиб чиқиб бир ходим учун 8 m^2 ҳисобидан															
и)	фуқаролар (корхона ишчилари)га йўриқнома бериш хонаси	40	40	40	40	30	30	30	40	40	40	40	30	30	30	30	30
к)	далилий ашёларни сақлаш хонаси	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8	8
л)	дам олиш хонаси	ходимлар таркибининг 50 фоизидан келиб чиқиб бир ходим учун 4,5 m^2 ҳисобидан															
м)	ҳожатхона, ювиниш учун душхона билан	майдони амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ва лойиҳа топшириғига асосан аниқланади															
10.	**Ёзги ошхона, овқатланиш учун жойи билан**	навбатчиликдаги 75 фоиз шахсий таркиб сонидан келиб чиқиб бир ходим учун 1,4 m^2 ҳисобидан															
11.	**Шахсий автотранспортлар турар жойи**	майдони амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига ва лойиҳа топшириғига асосан аниқланади															
12.	**Чиқинди контейнерлари учун майдонча**																
13.	**Ҳимоя иншоотлари**	майдон амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида ФВВ билан келишилган ҳолда аниқланади															

Изоҳ: Агар корхонани муҳофаза қилувчи бўлинма шаҳар (туман) ва аҳоли пунктлари ҳудудидаги ёнғинларни ўчириш ва профилактикаси учун жалб қилинадиган бўлса, ушбу бўлинманинг ёнғин-қутқарув депоси ҳудудида майдони 32 m2 бўлган фуқароларни қабул қилиш хонаси ва кўчадан алоҳида кириш эшигига эга назорат-ўтказиш пункти кўзда тутилиши керак.

4-жадвал

Т.р.	Бино ва иншоотларнинг номланиши	Майдони, m^2
1.	Ўқув маркази (пункти)	5000 — 2500
2.	Техник хизмат отряди (қисми, пости)	10000 — 4500
3.	Ёнғин ўчириш таянч пункти	15000 — 5000
4.	Илғор тажриба ва билимларни тарғиб этиш маркази	2000 — 1000
5.	Синов полигони*	20000 — 10000
6.	ЁХваФВ ИТИ	400 — 200
7.	Газ-тутундан ҳимоялаш хизмати (кейинги ўринларда-ГТҲХ) машғулот маркази (тутун камераси, иссиқлик-тутун камераси)	330
8.	Руҳий тайёрлаш йўлаги (110х10 м)	1100
9.	Ёнғин эстафетаси учун спорт майдончаси (180х80 м)	1440
10.	Амалий спорт турлари ва жисмоний тайёргарлик учун ёпиқ спорт мажмуаси	5000 — 2000

*Изоҳ: Синов полигони одатда шаҳардан ташқарида қурилади.

4-боб. Ёнғин-қутқарув деполари биноларининг ҳажмий-режали ва конструктив ечимларига бўлган талаблар

28. Ёнғин-қутқарув депосини лойиҳалаштиришда оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаслиги керак. V турга мансуб ёнғин-қутқарув деполари учун техник-иқтисодий асослар мавжуд бўлган ҳолларда ёнғин-қутқарув депо биносини оловбардошлик даражаси III бўлган бир қаватли қилиб лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

29. Ёнғин-қутқарув депосига марказий кириш йўли бинонинг олд томонидан режалаштирилиши лозим.

30. Шахсий таркибнинг ёнғин ўчириш техникаси жойлашган бино

ва иншоотлар йўналишида ҳаракатланиш йўлида тўсиқлар, зинапоялар, шунингдек юқорида чиқиб турган конструкция ва ускуналарнинг қисмлари ҳамда хона поли оралиғидаги масофа 2,2 m дан кам бўлмаслиги лозим.

31. Ёнғин хавфидан хабардор қилинган навбатчиликдаги шахсий таркибни ҳаракатланиш йўлидаги йўлакларнинг кенглиги 1,8 m дан кам бўлмаслиги керак.

32. Бино хоналарининг баландлигини полдан шифтгача камида 3 m қилиб қабул қилиш керак. Ёнғин-қутқариш техникалари сақланадиган бинолар ва ювиш хоналарининг баландлиги ёнғин-қутқарув автомобилининг турига боғлиқ ҳолда лойиҳа топшириғига асосан белгиланади.

Бироқ, хонада сақланаётган энг баланд автомобиль билан шифтдаги коммуникациялар оралиғи 0,2 m дан кам бўлмаслиги керак.

33. Ёнғин-қутқарув депосининг алоқа хонасини ёнғин ўчириш техникалари сақланадиган хонадан ўнг томонда, техник хизмат кўрсатиш постини эса ёнғин ўчириш техникалари хонасидан чап томонда жойлаштириш лозим.

34. Алоқа пункти табиий ёритилиши ва ёнғин ўчириш техникалари хонаси билан ёнма-ён жойлаштирилиши зарур. Ушбу хоналар оралиғидаги деворга полдан 1 m баландликда 1,2 x 1,5 m ўлчамли дераза ўрнатилиб, йўл варақаларини бериш учун мослама билан жиҳозланади. Алоқа пунктидан ёнғин ўчириш техникалари хонасига тўғридан-тўғри чиқишга йўл қўйилмайди.

35. Алоқа пунктининг аккумуляторлар сақланадиган бўлмасини алоҳида хонада алоқа пункти хонасига ёнма-ён жойлаштириш керак. Бу бўлмага кириш тамбур орқали амалга оширилади.

36. Техник хизмат кўрсатиш ва ёнғин ўчириш енглар сақлаш хоналари табиий ёритилиши лозим.

37. НООҲА ни ювиш ва қуритиш хонасининг деворлари керамик плиткалар билан қопланади.

38. Навбатчиликдаги сменанинг дам олиш хонаси ёнғин ўчириш техникалари турган хона (гараж) деворининг орқа томонида жойлаштирилиши ва хонадан гаражга чиқиш учун ҳар бир автомобиль учун ўлчами 1,6 x 2,2 m икки табақали эшиклар ўрнатилиши керак.

39. Ўқув синфи ва навбатчи смена бошлиғининг хонаси навбатчи смена хоналари ёнига жойлаштирилиши керак.

5-боб. Ёнғин-қутқарув депосининг таркиби ва бино-иншоотларининг майдонига бўлган талаблар

40. Ёнғин-қутқарув депосининг биноларидаги хоналар таркиби ва уларнинг майдонлари мазкур ШНҚ нинг 5-жадвали бўйича қабул қилиниши керак.

41. Ихтисослаштирилган бўлимлар учун хоналарнинг таркиби ва майдони лойиҳа топшириғида белгиланади.

5-жадвал

т.с.	Иншоотларнинг номланиши	Майдони, m^2 Ёнғин-қутқарув депосининг тури															
		I				**II**			**III**				**IV**			**V**	
		депода навбатчиликда турган ёнғин ўчириш автомобилларининг сони, дона															
		12	10	8	6	6	4	2	12	10	8	6	6	4	2	4	2
1.	**Ёнғин ўчириш техникалари ва техник хизмат кўрсатиш хонаси (гараж):**																
а)	ёнғин ўчириш техникалари хонаси (гараж)	860	720	580	440	370	210	70	860	720	580	440	370	210	70	175	70
б)	кўрикдан ўтказиш чуқурчаси билан таъминланган техник хизмат кўрсатиш пости	90	90	90	90	90	90	70	90	90	90	90	90	90	70	70	70
в)	устахона	30	30	30	25	25	20	-	30	30	30	25	25	20	-	20	-
г)	эҳтиёт қисмлар ва асбоб-анжомлар омборхонаси	20	20	15	15	10	10	-	20	20	15	15	10	10	-	10	-
д)	ювиш пости	90	90	90	90	90	-	-	90	90	90	90	90	-	-	-	-
е)	ҳаракатланиш хавфсизлиги хонаси	20	20	18	15	15	-	-	20	20	15	15	15	-	-	-	-
ж)	катта техник хонаси	20	20	18	15	15	10	10	20	20	15	15	15	10	10	10	10
з)	аккумуляторга техник хизмат кўрсатиш ва қайта қувватлантириш хонаси	8	8	8	8	8	6	6	8	8	8	8	8	6	8	6	6
2.	**Алоқа пункти:**																
а)	радиоалоқачи хонаси	20	18	18	15	15	15	12	30	25	25	20	15	15	12	15	12
б)	аппаратлар хонаси	15	15	15	12	12	12	10	15	15	15	12	12	12	10	12	10
в)	аккумуляторлар хонаси	12	12	12	10	10	8	8	12	12	12	10	10	8	8	8	8
г)	ҳожатхона ва душхона билан жиҳозланган ходимлар хонаси	10	10	10	10	10	8	8	10	10	10	10	10	8	8	8	8
3.	**Ёнғин ўчириш енглари участкаси:**																
а)	енгларни таъмирлаш хонаси	45	45	35	30	25	20	10	45	40	35	30	25	20	10	12	10

б)	енгларни сақлаш хонаси	45	45	35	30	25	20	10	45	40	35	30	25	20	10	12	10
в)	қуритиш хона	30	30	25	25	20	18	16	30	30	25	25	20	18	16	18	16
4.	**ГТҲХ нинг назорат пости:**																
	НООҲА ини текшириш ва сақлаш хонаси	35	30	25	20	50	30	20	35	30	25	20	50	30	20	30	20
5.	**Хизмат хоналари:**																
а)	қисм бошлиғи хонаси	18	18	18	18	18	18	18	18	18	18	18	18	18	18	18	18
б)	қисм бошлиғи ўринбосарининг хонаси	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16	16
в)	навбатчи смена бошлиғи хонаси	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14	14
г)	ўқув синфи	навбатчи смена сонининг 100 фоиз ҳисобидан, ходимга 2,5 m^2															
д)	маънавият-маърифат ишларини ўтказиш учун хона	навбатчи смена сонининг 100 фоиз ҳисобидан, ходимга 2,5 m^2															
е)	руҳий енгиллашиш хонаси	30	30	30	30	30	30	-	30	30	30	30	30	30	-	-	-
ж)	мажлислар зали	барча шахсий таркиб сонининг 100 фоиз ҳисобидан, ходимга 1,6 m^2															
з)	мажлислар олди хонаси	12	12	12	12	12	-	-	12	12	12	12	12	-	-	-	-
и)	навбатчи смена дам олиш хонаси	навбатчи смена сонининг 100 фоиз ҳисобидан, ходимга 4,5 m^2															
6.	**Ёрдамчи хоналар:**																
б)	гардеробхона	барча навбатчи смена шахсий таркиб сонининг 100 фоиз ҳисобидан, ходимга 1 m^2															
в)	термокамера	10	10	8	8	8	-	-	10	10	8	8	8	-	-	-	-
г)	душхона, ҳожатхонаси билан	барча навбатчи смена шахсий таркиб сонининг 100% ҳисобидан, ходимга 1 m^2															
д)	овқатланиш хонаси	навбатчи смена сонининг 75 фоиз ҳисобидан, ходимга 1,4 m^2															
е)	ошхона	20	16	14	12	10	10	10	20	16	14	12	10	10	10	10	10
ж)	мол-мулк омборхонаси, комендант хонаси билан	55	45	40	30	25	18	12	55	45	40	30	25	18	12	18	12
з)	спорт зали	280	160	80	45	40	40	40	280	160	80	45	40	40	40	-	-
и)	жамоат ташкилотлари хонаси	20	20	20	20	20	-	-	20	20	20	20	20	-	-	-	-

7.	**Хизмат квартиралари:**	**Майдони ва баландлигини ШНК 2.08.01-2019 бўйича қабул қилиш лозим**															
а)	бир хонали	4	4	4	4	3	3	2	1	-	-	-	-	-	-	1	1
б)	икки хонали	5	5	3	3	3	2	1	-	-	-	-	-	-	-	1	1
в)	уч хонали	1	1	1	1	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
8.	**Шахсий таркиб учун умумий ётоқхона**	**60**	**50**	**40**	**30**	**20**	**-**	**-**	**-**	**-**	**-**	**-**	**-**	**-**	**-**	**-**	**-**

Изоҳлар:

1. Навбатчи сменадаги 1 та ёнғин ўчириш автомобилида ходимларнинг ҳисобий сони — 7 киши;

2. 6 ва ундан ортиқ асосий ёнғин ўчириш автомобиллари бўлган ёнғин ўчириш депосида марказий диспетчерлик хизмати (МДХ)ни, ёнғин хавфсизлиги отрядини, ўқув пунктини, ГТҲХ базасини, ёнғин ўчириш енглари постини, кинопроекция хонаси мавжуд конференция залини жойлаштирилишига рухсат этилади. Ушбу хоналарнинг майдони мазкур ШНҚ нинг 6-жадвали бўйича қабул қилиниши лозим.

3. Ёнғин ўчириш депосининг алоҳида иситиладиган хонасида кўпик ҳосил қилувчи модданинг 3 каррали захираси сиғадиган сиғимлар ўрнатилиши мумкин.

4. Агар ўқув-машғулот комплексининг таркибида спорт зали мавжуд бўлса, у ҳолда ёнғин ўчириш депоси учун алоҳида спорт зал бўлиши талаб этилмайди.

6-жадвал

Т.р.	**Хоналар таркиби**	**Майдон, m^2, хизмат кўрсатиладиган ёнғин ўчириш деполарининг сони қуйидагича бўлганида**		
		10 ва ундан ортиқ	**9 — 5**	**4 ва ундан кам**
1.	**Ёнғин-қутқарув отрядларининг хоналари**	1 та ходимга 4 m^2 дан, 4 тадан 6 тагча ва 3 тадан 5 тагача ходимлар учун хоналар		
2.	**Ёнғин ўчириш енглари пости:**			
а)	енгларга техник хизмат кўрсатиш хонаси	220	200	150
б)	енгларни сақлаш ва бериш учун омбор	60	50	35
в)	ёрдамчи материалларни сақлаш хонаси	12	10	8
г)	қуритиш хонаси	15	12	10
3.	**ГТҲХ базаси:**			
а)	аппаратхона	50	45	35
б)	НООҲА таъмирлаш устахонаси	30	25	15
в)	кислород ва ҳаво тўлдириш станцияси	20	15	12
г)	баллонларни синовдан ўтказиш хонаси	20	15	16
д)	баллонларни сақлаш хонаси	12	10	8

е)	регенератив патронларни сақлаш ва қайта тўлдириш хонаси	16	14	12
ж)	НООҲА ювиш ва қуритиш хонаси	18	18	15
4.	**МДХ:**			
4.1.	**Марказий алоқа пункти:**			
а)	операция зали	75	75	изоҳ
б)	сервер хонаси	40	40	изоҳ
в)	аппаратхона ва кросс хонаси	30	25	20
г)	аккумулятор хонаси	20	20	15
д)	агрегат хонаси (АТС)	20	20	20
е)	радиоалоқачи хонаси	-	35	20
ж)	ходимлар хонаси	12	12	8
з)	бошлиқ хонаси	12	10	10
и)	алоқа воситаларини таъмирлаш хонаси	15	12	12
к)	омбор	8	6	6
4.2.	**Марказий радиоалоқа пункти:**			
а)	аппарат хонаси	15	16	изоҳ
б)	радиоалоқачи хонаси	18	14	10
4.3.	**Ёнғин ўчириш навбатчи хизмати:**			
а)	тезкор-ахборот маркази	18	18	14
б)	ишчи хона	12	12	-
в)	ходимлар хонаси	12	10	8
г)	гардеробхона	8	6	6
4.4.	**Видеозал ва фойели конференция зали**	Норма бўйича қабул қилинади. Сиғими лойиҳа топшириғи билан аниқланад?		

Изоҳ. Аҳоли пунктларида 4 та ва ундан кам ёнғин-қутқарув қисмлари жойлаштирилганида марказий ёнғин алоқа пункти қисмларнинг биридаги алоқа пункти билан бирлаштирилади.

6-боб. Ёнғин-қутқарув техникаларининг хоналари (гаражлари)га бўлган талаблар

42. Гаражлар бинонинг биринчи қаватида жойлаштирилиши керак.

43. Гаражга икки табақали совуқ ўтказмайдиган ойнали металл дарвозалар ўрнатилади. Дарвозаларнинг кенглиги жанговар ҳисобда турган ёнғин-қутқарув автомобилларининг кенглигидан 1 m га катта бўлиши лозим.

Дарвозанинг баландлиги энг баланд автомобилнинг энг баланд нуқтасидан камида 0,2 м га юқори бўлиши керак. Ҳар бир дарвоза автоматик ва қўлда очиб-ёпиш зулфинлари, шунингдек ўз-ўзидан ёпилишини олдини олиш учун фиксаторлар билан жиҳозланиши керак. Дарвозанинг юқори қисми ойнабанд бўлиб, унинг юзаси дарвоза умумий майдонининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Алоқа пункти томонидан биринчи дарвоза табақасигача 0,7 х 2 m ўлчамли эшик ўрнатилишини назарда тутиш керак. Ёнғин ўчириш техникалари хоналарининг дарвозалари ёнида қўлда ишга тушириладиган ҳаво-иссиқлик пардалари қурилмаларининг ўрнатилиши лойиҳа топшириғига мувофиқ бажарилади.

44. Гараж билан ёнма-ён жойлашган хоналарнинг эшиклари гараж томонга очилиши керак.

45. Ёнғин-қутқарув депоси биносидан чиқиш олдидаги йўл қопламасининг режавий сатҳи ёнғин ўчириш техникалари хонаси полининг сатҳидан 0,15 m га пастроқ бўлиши лозим. Ёнғин ўчириш техникалари хонаси полининг сатҳи ёнма-ён жойлашган хоналар полининг сатҳидан камида 0,05 m га пастроқ қилиб лойиҳалаштирилиши керак. Ёнғин ўчириш техникалари хонасининг поли трап ва лотоклар томонга камида 1° нишабликка эга бўлиши зарур.

46. Гаражнинг поли нам ўтказмайдиган, чидамли ва узоқ муддат хизмат қиладиган материаллар билан қопланиши лозим. Гараж деворлари пол сатҳидан 1,8 m баландликда керамик плитка билан қопланади. Шифти намликка чидамли бўёқлар билан бўялиши зарур.

47. Гараж дарвозалари олдида сув йиғиш панжаралари ва тиндиргичларни ташкил этиш кўзда тутилиши керак.

48. Автомобиллар тўхташ жойининг чегаралари қалинлиги 0,1 m ни ташкил этувчи оқ рангли чизиқлар билан белгиланади. Чиқиш жойлари бир томонламали гаражларда автомобилларнинг орқа ғилдиракларига тирговучлар назарда тутилиши лозим.

Ёнғин-қутқарув техникалари хонаси об-ҳаво шароитлари тўғрисидаги маълумотлар ёзиладиган табло билан жиҳозланиши лозим. Автомобиль ҳаракатланиши йўналиши бўйича дарвозалар оралиғида махсус кронштейнларда кўзгулар ўрнатилиши керак. Кўзгуларни ўлчамлари 1,0 x 0,4 m дан кам бўлмаслиги ва улар пол сатҳидан 1,8 m баландликда ўрнатилиши лозим.

49. Шахсий таркибнинг автомобиллар орасидан, шунингдек автомобиллар ва ёнғин-қутқарув техникалари биносидаги конструкциялар орасидан ҳаракатланиши учун ўтиш йўлларини кенглиги мазкур ШНҚ нинг 7-жадвали бўйича қабул қилинади. Ёнғин-қутқарув депо биносида ёнғин-қутқарув техникалари, техник хизмат кўрсатиш ва ювиш хоналарининг кенглиги I — IV тур деполари учун 15 — 18 m ни, V тур деполари учун 12 — 15 m ни ташкил этиши лозим, катта ўлчамли автотехника жойлаштирилганида бу кўрсаткич лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланади.

7-жадвал

Т/р	**Кўрсаткичлар**	**Ёнғин ўчириш техникалари хонасидаги конструкциялар ва автомобиллар ўртасидаги масофа, m**
1.	Автомобиллар ўртасидаги, камида	2,0
2.	Ўнг томондаги охирги (чиқиш бўйича) автомобилдан деворгача, камида	2,0
3.	Чап томондаги охирги (чиқиш бўйича) автомобилдан деворгача, камида	1,5
4.	Автомобилдан колонна қирраларигача, камида	1,0
5.	Автомобилдан бинонинг олд ёки орқа деворигача: 1-2 автомобиль учун мўлжалланган хоналарда 4 ва ундан кўп автомобиллар учун мўлжалланганда	 2,0 3,0

50. Ёнғин-қутқарув техникалари сақланадиган хонанинг ҳаво ҳарорати +16°С ни ташкил этиши, бошқа хоналарда эса +18°С дан кам бўлмаслиги лозим. Ёнғин-қутқарув техникаларига техник хизмат кўрсатиш пости ва ювиш хоналарида сувли иситиш тизими ўрнатилади.

51. Ёнғин-қутқарув техникалари хонасида керакли босимдаги сув берилишини таъминлаш бўйича техник ечими таъминланган ички ёнғин ўчириш жўмрагини ўрнатиш назарда тутилиши лозим.

52. Ёнғин-қутқарув техникалари хонасида ҳаво алмаштириш тизимининг қуввати бир вақтнинг ўзида автомобилларнинг 50 фоизини чиқиб кетишини назарда тутган ҳолда белгиланади.

53. Ёнғин-қутқарув техникалари хонасида автомобилларнинг ишлаётган двигателларидан чиқадиган газларни ташқарига чиқариб юбориш учун ҳаво тизими назарда тутилиши керак. Хонадаги газни сўриб чиқариш ҳаво тизими автомобилнинг газ чиқариш тизимига доимий равишда уланган бўлиши ва автомобиль ҳаракатланишни бошлаганида ўз-ўзидан узилиши керак.

54. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш хонаси ва бошқа хоналардан ёнғинга қарши девор (ораёпма)лар билан ажратилиши керак.

55. II, IV, V турдаги ёнғин-қутқарув деполарида техник хизмат кўрсатиш хоналарини ёнғин-қутқарув техникалари сақланадиган хоналар билан бирлаштиришга рухсат берилади.

56. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш пости ва ёнғин ўчириш техникалари хоналарида 3 та автомобилга битта хандақ ҳисобидан кўрик хандақлари ташкил этилади. Автомобиллар тагини кўрикдан ўтказиш учун мўлжалланган хандақда иккита тушиш йўли (бири — зинапояли, иккинчиси — ён томондан) бўлиб, устки қисми камида 12 mm диаметрли металл панжаралар билан ёпилиши лозим.

Хандақ периметри бўйича баландлиги камида 80 mm бўлган тўсиқ билан ўралиши, хандақнинг поли ва деворлари керамик плитка билан қопланиши, тагига ёғоч панжара, деворига асбобларни қўйиш ва ёритиш чироқларини ўрнатиш учун тахмон ўрнатилади.

Ёритиш чироқлари ўрнатиладиган тахмон механик шикастланишлардан сақланган бўлиши керак. Автомобилларни кўрикдан ўтказиш хандақининг узунлиги 9.49 m, эни 1,14 m бўлиб, чуқурлиги гараж полининг сатҳидан зинапоя томонидан — 1,75 m ни, скобали нарвон томонидан эса — 1,81 m ни ташкил этиши керак.

57. I — IV турдаги ёнғин-қутқарув деполарида ювиш постини алоҳида боксда лойиҳалаштириш керак.

58. Ёнғин-қутқарув депо биноларининг ёнғинга бардошлиги даражаси ва функционал ёнғин хавфсизлиги синфи ШНҚ 2.01.02 га мувофиқ белгиланади.

59. Лойиҳалаш топшириғига асосан депо биносининг таркибида жорий этилаётган янги намунадаги ёнғин ўчириш ва қутқариш техникалари ва ускуналари, робототехника ва мониторинг ускуналари, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар натижасида жароҳат олганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жиҳозлари учун хоналар жойлаштирилиши мумкин.

7-боб. Захира техникаларини сақлаш жойлари (гаражлар)га бўлган талаблар

60. Захира техникаларни сақлаш жойлари (гаражлар) алоҳида турган биноларда лойиҳалаштирилиши лозим. Уларни ёнғинга қарши деворлар билан ажратиш шарти билан жамоат биноларига тақаб жойлаштиришга рухсат берилади.

61. Техникаларни сақлаш жойлари қуйидагилар билан жиҳозланади:

ҳаволи иситиш тизими (бунда ишдан ташқари вақтларда ҳаво ҳароратини камида +10ºС даражада ушлаб туриш учун навбатчи иситиш қурилмаси ҳам кўзда тутилиши керак);

пастки зонадан ҳавони чиқариб ташлаш учун умумалмашинув оқма-сўрма ҳаво алмаштириш тизими;

автоматик ёнғиндан хабарлаш тизимлари;

автомобиллар сақланадиган жойлардаги деворлар ёнида ғилдиракларни тиргаклаш қурилмалари.

62. Ёнғин-қутқарув автомобиллари сақлаш хоналарини табиий ёритишсиз лойиҳалаштириш мумкин.

63. Автомобиллар ўз ўлчамларига боғлиқ равишда қуйидаги 8-жадвалга мувофиқ тоифаларга бўлинади.

8-жадвал

Т/р	Автомобилларнинг тоифаси	Узунлиги, m	Кенглиги, m
1.	I	6 m гача	2 m гача
2.	II	6 дан 8 гача	2 дан 2,5 гача
3.	III	8 дан 11 гача	2,5 дан 2,8 гача

4.	IV	11 дан ортиқ	2,8 дан ортиқ

Изоҳ: Ёнғин-қутқарув техникаси типлари ва уларнинг максимал ўлчамлари қуйидаги 8а-жадвалда келтирилган.

8а-жадвали

Ёнғин-қутқарув техникаси типлари	Максимал ўлчамлари, m		
	Узунлиги	Эни	Баландлиги
Асосий ёнғин-қутқарув автомобиллари (ЁҚА)	12,00	2,55	4,00
Баландликдан қутқариш автомобиллари	12,00	2,55	4,20
Ёнғин жойида техник ишларни ташкил этиш учун махсус ЁҚА	12,00	2,55	4,00
Йирик ва узоқ ёнувчи ёнғинларни ўчириш бўйича ишларни ташкил этиш ЁҚА	12,00	2,55	4,00
Ёнғинларни ўчириш ва экспертиза ишларини бошқариш ЁҚА	6,00	2,55	3,70
Занжирли ва роботлаштирилган ёнғин-қутқарув техникаси	10,00	3,55	4,00

Изоҳ: Ёнғин-қутқарув техникалари ўлчамлари уларнинг модификациясига қараб ўзгариши мумкин.

64. Автомобиллар орасидаги, шунингдек бино конструкциялари ва автомобиллар ўртасидаги (бинода автомобиллар сақланганида) масофа қуйидаги 9-жадвал бўйича қабул қилинади.

9-жадвал

Т/р	Автомобиллар ва конструкциялар орасидаги масофа	Автомобилларнинг тоифалари учун оралиқ масофа, m		
		I	II	III ва IV
1.	Бўйлама томонлар ўртасидаги автомобиллар орасидаги	0,5	0,6	0,8
2.	Автомобилнинг бўйлама томони ва колонна ёки пилястра орасидаги	0,3	0,4	0,5
3.	Автомобилнинг олд томони ва девор ёки дарвоза орасидаги, автомобиллар қуйидагича жойлаштирилганида:			
	а) тўғри бурчак	0,7	0,7	0,7
	б) қийшиқ бурчак	0,5	0,5	0,5
4.	Автомобилнинг орқа томони ва девор ёки дарвоза орасидаги, автомобиллар қуйидагича жойлаштирилганида:			
	а) тўғри бурчак	0,5	0,5	0,5
	б) қийшиқ бурчак	0,4	0,4	0,4
5.	Кетма-кет жойлаштирилган автомобиллар ораси	0,4	0,4	0,4

Изоҳлар:

1. Бинони иситиш, ҳаво алмаштириш қувурлари ва бошқа қурилмалар девор ва устунлар ёнида (автомобиль баландлиги чегарасида) жойлаштирилганда масофалар ушбу қурилмаларгача қабул қилинади.

2. Автомобилларни жойлаштиришни лойиҳалашда ҳайдовчиларнинг кабинага чиқиб-тушиш учун эшикларни очилиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

65. Захира техникаларни сақлаш жойлари таркибига қуйидаги хоналар кириши лозим:

автомобиллар сони 4 тагача бўлганида-гараж, омбор, устахона, сигнализация хонаси, ҳожатхона ва душхона;

автомобиллар сони 6 тагача бўлганида-гараж, омбор, (навбатчи смена хонаси), омбор (умумий турар жой), сигнализация хонаси, устахона, ҳожатхона ва душхона;

автомобиллар сони 8 тагача бўлганида-гараж, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш учун хона, устахона, идора биноси, ечиниб-кийиниш хонаси, душхона ва ҳожатхона;

ёнғин-қутқарув таянч пунктлари учун автомобиллар сони 10 тагача бўлганида-гараж, автомобилларни ювиш хонаси, техник хизмат пости, электрошит хонаси, чилангар-механик устахонаси, пайвандлаш-тунука устахонаси, электр-карбюратор устахонаси, аккумуляторларни таъмирлаш хонаси, шиномонтаж устахонаси, ёнғин ўчириш воситаларини сақлаш омбори, венткамера, бошлиқ хонаси, дам олиш хонаси, гардеробхона ва махсус кийим-бош қуритиш хонаси;

катта ёнғинларни бартараф этиш деполари учун автомобиллар сони 12 тагача бўлганида-гараж, автомобилларни ювиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш пости, электрошит хонаси, чилангар-механик устахонаси, электр-карбюратор устахонаси, аккумуляторларни таъмирлаш хонаси, шиномонтаж устахонаси, ёнғин ўчириш воситаларини сақлаш омбори, венткамера, бошлиқ хонаси, дам олиш хонаси, гардеробхона ва махсус кийим-бош қуритиш хонаси.

66. Захирадаги махсус техника сақланадиган гараж ва мол-мулк сақлаш омборлари таркибига қуйидагилар киритилиши шарт:

автомобиллар сони 6 тагача бўлганида-гараж, буюмлар омбори, ўқ-дори омбори, алоқа воситалари омбори, озиқ-овқат омбори, кимёвий ва муҳандислик асбоб ускуналари омбори, ёнғинга қарши ускуналар омбори, иссиқлик узели, электршит хонаси, транспорт йўлаги ва қурол-яроқ омбори;

автомобиллар сони 12 тагача бўлганида-гараж, буюмлар омбори, ўқ-дори омбори, алоқа воситалари омбори, озиқ-овқат омбори, кимёвий ва муҳандислик асбоб ускуналари омбори, ёнғинга қарши ускуналар сақлаш хонаси, иссиқлик узели, электр шити хонаси, транспорт йўлаги, қурол-яроқ омбори, экспедиция ва автокараларни сақлаш жойи.

67. Гараждан ташқари, мазкур ШНҚ нинг 65 ва 66-бандларида белгиланган хоналарнинг майдонлари лойиҳа топшириғига асосан аниқланади.

8-боб. Руҳий тайёргарлик йўлагига бўлган талаблар

68. Ёнғин-қутқарувчиларнинг руҳий тайёргарлик йўлаги ишлаб чиқариш, жамоат ва турар жой биноларидан узоқроқда жойлаштирилиши лозим. Руҳий тайёргарлик йўлагининг узунлиги 150 m ни ташкил этиши керак. Бундай имконият бўлмаган ҳолларда руҳий тайёргарлик йўлагини «Г» ёки «П» шаклида ташкил қилиш мумкин. Йўлак ҳудуди қаттиқ қопламали, қўкаламзорлаштирилган ва атрофи панжара билан ўралган бўлиши лозим.

69. Ёнғин-қутқарувчиларнинг руҳий тайёрлаш йўлагида бошқарув маскани, ёнғин ўчириш воситалари, ёнғин ўчириш қурилмалари ва имитация воситаларини сақлаш хоналари, старт майдончаси, енгил алангаланувчи суюқлик ва ёнувчан суюқлик омбори, ёнғин-қутқарув автомобилини ўрнатиш жойи, ёнғин ўчириш гидранти ва камида ҳажми 5 m3 бўлган ёнғин ўчириш сув ҳовузи, тозалаш иншооти ва снарядлар жойлаштирилади.

70. Ёнғин-қутқарувчиларнинг руҳий тайёрлаш йўлагидаги снарядлар жамланмаси таркибида уч қаватли бинонинг металлдан ясалган фрагменти, лабиринт, ичида ёнаётган суюқлиги бўлган ер ости очиқ идиши, темир йўл цистернасининг бўғизи бўлган эстакада фрагменти, ичида ёнаётган суюқлик бўлган чуқур устидаги трап, кабелли коллектор, носоз технологик ускуналари бўлган эстакаданинг металл майдончаси ва нишони бўлиши лозим.

9-боб. Газ-тутундан ҳимоялаш хизмати машғулот мажмуасидаги хоналар таркибига бўлган талаблар

71. ГТҲХ машғулот мажмуаси таркибига тутун камераси, иссиқлик камераси ва умумий вазифалар учун хона киради.

72. Тутун камераси хоналари таркибига машғулотлар зали, генератор хонаси, омбор ва тамбур кириши лозим.

Тутун камерасининг машғулотлар зали газ-тутундан ҳимоя қилувчиларнинг бир ёки бир нечта гуруҳи учун лойиҳалаштирилиши ва шовқинли эффектлар тизимлари ҳамда бошқарув пультидан туриб газ-тутундан ҳимоя қилувчилар ҳаракатларини кузатиш имкониятини берувчи сигнализация билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Тутун камераси жойлашган хона тутун камераси ва аппарат бошқаруви хонасидан ишга туширилувчи шамоллатиш тизими ва авария ёритиш чироқлари билан таъминланиши зарур. Авариявий шамоллатиш тизимини ишга тушириш машғулотлар зали периметри бўйлаб 1,5 m баландликда осилган, масофадан туриб бошқариладиган тросли тизим орқали амалга оширилади.

Машғулотлар залини йиғиштириш ва тозалаш учун сув қувури (водопровод) кўзда тутилган бўлиши керак. Машғулотлар залининг поли сув оқиб кетадиган лоток томонга нишабликка эга бўлиши зарур. Залда деразалар бўлиши кўзда тутилмайди. Машғулотлар зали иккита чиқиш йўлига эга бўлиб, уларнинг тепасига машғулотлар раҳбари томонидан ёқиладиган чироқли ёзувлар ўрнатилиши керак.

73. Иссиқлик камераси хоналари таркиби машғулотлар зали, иссиқлик пункти, камера олди хонаси, шит хонаси, тамбур ва омбордан иборат бўлиши зарур.

Иссиқлик камераси бошқарув аппаратлари хонаси ёнига жойлаштирилиши, девор (ораёпма)да иссиқлик камераси бутун майдонини кўриш имкониятини яратувчи очиқ дарча бўлиши лозим. Тутун камераси ва иссиқлик камераси машғулотлар заллари олдида доимий ҳаво ҳайдаб турадиган тамбур-шлюз бўлиши кўзда тутилиши лозим.

74. Умумий вазифалар учун мўлжалланган хоналар таркибига бошқарув аппаратлари хонаси, гардеробхона, душхона ва ҳожатхона, шифокор кабинети, ГТҲХ пости ва синф хонаси кириши лозим.

75. ГТҲХ машғулотлар мажмуаси таркибига кирувчи хоналар майдони, уларнинг ҳажмий-режавий ва конструктив ечимлари билан белгиланади.

10-боб. Муҳандислик ускуналарига бўлган талаблар

76. Ёнғин-қутқарув депоси амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ канализация тизими, хўжалик-ичимлик ва иссиқ сув таъминоти, ёнғин ўчириш ички сув қувурлари, иситиш, ҳаво алмаштириш ва тозалаш, кичик токли ва автоматик қурилмалар (радиолаштириш, соатлаштириш, телефонлаштириш) билан таъминланилиши лозим.

Биноларнинг иссиқлик ҳимояси, микроиқлим параметрлари, табиий ва сунъий ёритилиши, қуёшдан ҳимояланилиши нормалари ва қоидалари талабларига жавоб бериши зарур.

77. Ёнғин-қутқарув депосининг электр таъминотида I-тоифали ишончлиликни кўзда тутиш керак.

Электр ускуналарининг конструкцияси, бажарилиши, ўрнатиш усули, изоляция тоифаси, ҳимояланиш даражаси тармоқдаги кучланиш ва атроф-муҳит шароитларига мувофиқ бўлиши зарур.

78. Ёнғин-қутқарув депосининг бинолари қўриқлаш ва ёнғиндан хабар бериш сигнализацияси, видеокузатув ва маъмурий-бошқарув алоқа тизимлари билан таъминланиши лозим.

79. Махсус хонада сақланадиган қимматбаҳо мулк ва ахборотни тажовузлардан ҳимоялаш мақсадида, лойиҳа топшириғида техник назорат воситалари билан таъминлаш, махсус конструкцияли эшиклар ўрнатиш назарда тутилиши лозим.

80. Алоқа пункти, ёнғин ўчириш техникалари, навбатчи смена хоналари ва уларни бирлаштирувчи йўлаклар, шунингдек табиий ёритилмайдиган ертўла хоналари аккумулятор батареясига ва мустақил электр манбаларига уланган эвакуация ёритиш чироқлари билан таъминланиши керак.

81. Ёнғин-қутқарув депосининг биноси «101» рақамли махсус алоқа телефонлари, навбатчи смена ва ёнғин ўчириш техникалари хоналари эса хавф хатардан хабардор қилувчи қурилмалар билан жиҳозланади.

82. Ёнғин-қутқарув депосининг ҳар бир қаватида ювиниш учун душхона ва ҳожатхона кўзда тутилган бўлиши керак. Санитария бўлмаларини ётоқхона, ошхона ва овқатланиш хоналари устида жойлаштиришга рухсат берилмайди.

83. Гараж, ҳожатхона, душхоналарни тозалаш учун совуқ сувга уланган сув сепиш жўмраклари назарда тутилиши керак.

84. Автомобилларни ювиш хонасининг канализация қувурлари ташқи тизимга қум ва нефть маҳсулотларини ушлаб қолиш қурилмаси орқали уланиши керак.

85. Лойиҳавий ечимларда бинога техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва қурилма элементларини алмаштиришга бўлган эҳтиёжлар ҳисобга олиниши зарур.

86. Муҳандислик ускуналари тизимлари портлаш-ёниш хавфсизлиги талабларини, кўздан кечириш, тозалаш ва таъмирлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади. Тизимлар ҳосил қиладиган шовқин нормаларда белгиланган кўрсаткичлардан ошмаслиги лозим. Қўшимча шовқин чиқарадиган ускуналар мустақил юк кўтарувчи алоҳида конструкцияларга ўрнатилади.

Муҳандислик тизимларининг электромеханик ва электрон қурилмалари табиий ёритилган ва сув босмайдиган хоналарда жойлаштирилиши керак. Насослар жойлаштирилган хоналар, венткамера, иссиқлик пунктлари шовқин ва вибрация манбаи бўлганлиги учун ёндош тарзда, лекин ётоқхона ва дам олиш хоналарининг ёнида ва остида жойлаштирилиши мумкин эмас.

87. Яшиндан ҳимоя қилиш тизими момақалдироқ фаолияти давомийлигини, шунингдек телевизион антенналар ва телефон алоқасининг қувурли устунлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг 2006 йил 19 октябрдаги 167-сон буйруғи билан тасдиқланган Электр ускуналарининг тузилиши қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда 2006 йил 2 ноябрдаги 20-15-232/11-сон хат билан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат деб топилган) мувофиқ ўрнатилиши лозим. Яшиндан ҳимоя қилиш тизимини ўрнатиш зарурати бўлмаган ҳолатларда антенна ва алоқа устунларини ерга уланиши кўзда тутилиши лозим.

88. Ёнғин-қутқарув депосининг биноси истеъмол қилинаётган электр энергияси, газ, совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари билан таъминланган бўлиши керак.

89. Бинога қўшиб қурилган алоҳида иссиқлик пунктлари (АИП)ни мустақил кириш эшиги бўлган алоҳида хоналарга ёки ҳаво алмаштириш ва тозалаш хоналари билан бирлаштирилган хоналарда жойлаштириш керак. Хонанинг баландлиги бўртиб чиққан конструкциялар тагидан 1,8 m дан паст бўлмаслиги керак.

90. Чекка қишлоқ ҳудудларида 3-тоифадаги ёнғин-қутқарув пост биноларини қуришда модулли йиғма конструкциялардан фойдаланишга йўл қўйилади. Қисқа вақт давомида қуриладиган ёнғин-қутқарув пост биноларининг оловбардошлиги III ва IV даражали, конструктив ёнғин хавфи С1 синфга мансуб лойиҳалашга рухсат этилади.

11-боб. Ёнғин-қутқарув постларига бўлган талаблар

91. Ёнғин-қутқарув постлари хоналарининг таркиби ва уларнинг майдонидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги турларга бўлинади:

I тур — битта асосий ёнғин-қутқарув автомобилига мўлжалланган гаражи, вахтали шаҳарлар (шаҳарчалар), корхоналар ва қурилиш объектларини муҳофаза қилувчи пост;

II тур — битта асосий ёнғин ўчириш автомобилига мўлжалланган гаражи бўлган аҳоли яшаш пунктларини муҳофаза қилувчи пост;

III тур — ёнғин ўчиришга мослаштирилган техника ва ёнғин ўчириш ускуналарини сақлашга мўлжалланган гаражи бўлган аҳоли яшаш пунктларини муҳофаза қилувчи пост.

92. Ёнғин-қутқарув постлари бир қаватли этиб қуйидагича лойиҳалаштирилади:

I ва II турдаги постларнинг оловбардошлилик даражаси II дан;

III турдаги постларнинг оловбардошлилик даражаси III дан кам бўлмаган.

I турдаги ёнғин-қутқарув постлари алоҳида ёки тоифаси «Г» ва «Д» бўлган ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларига қўшимча (ичида) жойлаштиришга рухсат этилади.

93. I ва II турдаги ёнғин-қутқарув постларидаги асосий ёнғин-қутқарув автомобилларининг турлари, шунингдек III турдаги ёнғин-қутқарув постидаги ёнғин ўчириш учун мўлжалланган техникалар ва ёнғин ўчириш қуроллар рўйхати лойиҳа топшириғида белгиланади.

94. I турдаги ёнғин-қутқарув постлари учун ер участкаларининг майдони 0,15 га дан, II турдаги ёнғин-қутқарув постлари учун 0,10 га дан ҳамда III турдаги эса 0,02 га дан кам бўлмаслиги лозим.

Ёнғин-қутқарув постлари умум фойдаланишдаги магистраль кўчаларга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти бўлган мустақил, имкон қадар бурчакдаги ер участкаларида жойлаштирилиши керак.

Ёнғин-қутқарув пости ёнғин-қутқарув автомобилларини чиқиш жойидан қизил чизиққача камида 10 m оралиқ масофа қолдириб жойлаштирилиши керак. Ёнғин-қутқарув автомобилларини чиқиш жойидан қизил чизиқ томонга 2°дан 6°гача нишаблик бўлиши лозим.

Ёнғин-қутқарув постларидан портлаб ёниш ва бошқа объектларгача бўлган оралиқ масофа ёнғин-қутқарув деполари каби қабул қилинади.

95. Ёнғин-қутқарув постига кириш марказий бинонинг олд томонидан бўлиши лозим.

Ёнғин-қутқарув постининг ҳудуди учун битта кириш (чиқиш) йўлаги ташкил этилиши мумкин. Кириш (чиқиш) дарвозаларининг эни 4,5 m дан кам бўлмаслиги керак, баландлиги эса лойиҳа топшириғига биноан ва ёнғин-қутқарув автомобиллари баландлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Дарвозаларнинг очилиб-ёпилишини ҳам автоматик тарзда, ҳам қўлда бажариш кўзда тутилиши лозим.

96. I ва II турдаги ёнғин-қутқарув постининг ҳудудида навбатчиликдаги 75 фоиз шахсий таркиб сонидан келиб чиқиб бир ходим учун 1,4 m2 ҳисобидан келиб чиққан ҳолда ёзги ошхонани ҳамда чиқиндилар учун контейнер ва шахсий автомобиллар учун автотураргоҳ ташкил этилиши лозим.

II ва III турдаги ёнғин-қутқарув постининг ҳудудида ҳажми 54 m3 бўлган сув ҳовузи ташкил этилиши лозим.

97. Ёнғин-қутқарув пости ҳудудида қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

пост ҳудудига рухсатсиз кириш ҳолатларини олдини олувчи баландлиги 2,5 m дан кам бўлмаган махсус қурилмали тўсиқ;

куннинг тунги вақтида ёритилиши;

ҳудудда қаттиқ қопламали йўллар ва майдончалар.

Ёнғин-қутқарув пости ҳудудида ушбу ШНҚнинг 4-жадвалида келтирилган ёнғиндан ҳимоя қилиш объектлари назарда тутилмайди.

98. Ёнғин-қутқарув пости хоналарининг майдони ва таркиби мазкур ШНҚ нинг 10-жадвалига мувофиқ қабул қилинади.

99. Хавф хабарига асосан шахсий таркибнинг ёнғин-қутқарув техникаси жойлашган хона томонга ҳаракатланиш йўлида тўсиқлар, зинапоялар, шунингдек хона полидан 2,2 m гача баландликда чиқиб турувчи конструкция ва ускуналарнинг қисмларини ўрнатишга йўл қўйилмайди.

Хавф хабарига асосан навбатчиликдаги шахсий таркиб ҳаракатланиши йўлидаги йўлакларнинг кенглиги 1,6 м дан кам бўлмаслиги керак.

100. Бино хоналарининг баландлигини полдан шифтгача камида 3 m этиб қабул қилинади. Ёнғин ўчириш техникалари сақланадиган бинолар ва ювиш хоналарининг баландлиги ёнғин-қутқарув автомобилининг турига боғлиқ ҳолда лойиҳа топшириғига асосан белгиланади. Бироқ, хонада сақланаётган энг баланд автомобиль баландлигидан 0,2 m дан кам бўлмаслиги керак.

10-жадвал

Т/р	Хоналарнинг номланиши	ёнғин ўчириш постларининг тури, майдони m^2		
		I	II	III
1.	Ёнғин ўчириш техникалари хонаси (гараж)	70	70	70
2.	Кўрикдан ўтказиш чуқурчаси билан таъминланган техник хизмат кўрсатиш пости	70	70	

3.	Навбатчи сменанинг дам олиш хонаси	навбатчи смена сонининг 100 фоиз ҳисобидан, ходимга 4,5 m^2	навбатчи сменадаги ҳар бир штатдаги ходимлар учун 4,5 m^2	
4.	Радиоалоқачи хонаси	12	12	
5.	Аккумулятор хонаси	4	4	
6.	Радиоалоқачининг дам олиш хонаси (ҳожатхона ва ювиниш хонаси билан биргаликда)	8	8	
7.	Ёнғин-техник қуролларини сақлаш хонаси	10	10	
8.	Енгларни сақлаш учун хона	10	10	
9.	Енгларни қуритиш учун хона	16	16	
10.	НООҲА ларини текшириш ва сақлаш хонаси	20		
11.	Пост бошлиғи хонаси ва фуқаролар (корхона ишчилари)га йўриқнома бериш хонаси	14	14	
12.	Смена бошлиғи хонаси	14	14	
13.	Гардеробхона	барча навбатчи смена шахсий таркиб сонининг 100 фоиз ҳисобидан, ходимга 1 m^2		
14.	Душхона, ҳожатхонаси билан	навбатчи сменадаги ҳар бир штатдаги ходимга 1 m^2		
15.	Овқатланиш хонаси	навбатчи смена сонининг 75 фоиз ҳисобидан, ходимга 1,4 m^2		
16.	Овқатларни тайёрлаш ва иситиш хонаси	10	10	

101. Ёнғин-қутқарув постида алоқа пунктини (алоқа, аккумулятор ва дам олиш хонаси ҳожатхона ва ювиниш хонасини билан) ўнг томонда жойлаштириш керак.

Алоқа пункти табиий ёритилиши ва ёнғин ўчириш техникалари хонаси билан ёнма-ён жойлаштирилиши зарур. Ушбу хоналарни ажратиб турувчи деворга полдан 1 m баландликда 1,2 x 1,5 m ўлчамли дераза ўрнатилиб, йўл варақаларини бериш учун мослама билан жиҳозланади.

Алоқа пунктидан ёнғин ўчириш техникалари хонасига тўғридан-тўғри чиқишга йўл қўйилмайди.

Алоқа пунктининг аккумуляторлар бўлмасини алоҳида хонада алоқа пункти хонасига ёнма-ён жойлаштириш керак.

102. Техник хизмат кўрсатиш ва ёнғин ўчириш енглар сақлаш хоналари табиий ёритилиши лозим.

103. НООҲА ларини ювиш ва қуритиш хонасининг деворлари керамик плиткалар билан қопланади.

104. Навбатчи сменанинг дам олиш хонаси ёнғин-қутқарув техникалари турган хона (гараж) деворининг орқа томонида жойлаштирилиши ва хонадан гаражга чиқиш учун ҳар бир автомобиль учун ўлчами 1,6 x 2,2 m икки табақали эшиклар ўрнатилиши керак.

105. Ёнғин-қутқарув техникаларини сақлаш (гараж) хоналарига бўлган талаблар, ёнғин-қутқарув деполарнинг ёнғин-қутқарув техникаларини сақлаш (гараж) хоналарига бўлган талаблар билан бир хил бўлади.

I ва II турдаги ёнғин-қутқарув постларидаги автомобиллар сақлаш жойи (гараж)да захира асосий автомобиль учун жой бўлиши лозим. Ушбу мақсадлар учун кўрикдан ўтказиш чуқурчаси билан таъминланган техник хизмат кўрсатиш постидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Техник хизмат кўрсатиш постини ёнғин-қутқарув техникалари хоналари (гараж) билан бирлаштиришга рухсат этилади.

Кўрикдан ўтказиш чуқурчасига бўлган талаблар ёнғин-қутқарув депосидаги чуқурчага қўйилган талаблар билан бир хил бўлади.

106. Ёнғин-қутқарув постларининг муҳандислик қурилмаларига бўлган талаблар ёнғин-қутқарув деполарининг муҳандислик тармоқларига бўлган талаблар билан бир хил қўлланилади.